



O'ZBEKISTON OVOZI

Молиявий хизматлар ярмаркаси

Кашқадарё вилояти Ёшлар марказида «Молиявий хизматлар ярмаркаси» ташкил этилди. Ярмаркани ўтказишдан мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий техника ва технологик ускуналарни келтиришда амалий ёрдам беришдан иборат.

Тадбир Кашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ва тижорат банклари, вилоят адлия, божхона бошқармалари, «Ўзбек лизинг интернэйшнл» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил юртимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши мазкур соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди. Бугун Кашқадарё вилоятида 75 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. 2010 йилда ушбу соҳада 701 минг киши иш билан таъминланди. Виловят янги ҳудудий маҳсулотидида мазкур соҳа улуши 54,5 фоизни ташкил этди. Утган йили янги субъектларни ташкил этиш, мавжудларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 145 миллиард 570 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 4614 янги кичик корхона ташкил этилди.

Тадбирда «Ўзбек лизинг интернэйшнл» компанияси томонидан тақлиф этилаётган лизинг тартиблари ва шартлари хусусида қатнашчиларга батафсил маълумот берилди. Бундай ишлар

Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, вилоят божхона, адлия бошқармалари томонидан ҳам амалга оширилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Кашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси эса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик ва тизим бўйича кўрсатилган амалий ёрдамлар тақдирини намойиш этди.

Технологик ускуналар етказиб берувчилар тақдиротида Германия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Туркия, Украина мамлакатлари компаниялари ўзлари ишлаб чиқарган замонавий, илгор технологияларни, Германиянинг «Zerpelin», Жанубий Кореянинг «Road International», Хитойнинг «Yema» компаниялари қурилиш соҳасида ишлатилган махсус техникаларни намойиш этди. Ўзбекистон — Хитой савдо уйи, «Промхолд», «Yilistar River Trade & Business Co.Ltd» (ХХР) сингари компаниялар озиқ-овқат маҳсулотлари чикариш йўналишидаги жиҳозлари, шунингдек, тиккув дастгоҳлари, паррандачилик учун ускуна ва техникалар ҳам ярмарка қатнашчилари эътиборини тортди.

Кўргазмада тадбиркорлар зарур маълумотлар олиш ҳамда шу ернинг ўзида хорижий ҳамкорлар билан шартномалар имзолаш имконига эга бўлдилар.

Ф.ХОЛИМРАЗЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Бугунги кун вазибалари

партия фаолларидан ўз бурчига янгича ёндашувни, янги ташаббус ва тақлифларни талаб этади

Маълумки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган гоёлар жамиятимиз тараққиётини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Президентимиз Концепцияда ва йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида белгилаб берган вазибалар, аввало, сиёсий партиялар фаолиятини жиҳдий кучайтиришни талаб этади. Айни чоғда бу вазибалар ижроси ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга оширишида гоёт муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу жараёнда партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларнинг фаоллик ва масъулиятини кучайтириш талаб этилаётган.

ЎзХДП Зангиота туман кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган йиғилишда шу масалага эътибор

қаратилди. Унда Тошкент вилоят ва Зангиота туман партия кенгашлари мутасаддилари, вилоят ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, ҳамкор ташкилотлар ва аҳоли вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Концепциянинг давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришдаги аҳамияти ҳамда фуқаролик позициясини мустақамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар тўғрисида фикр билдиришди.

Концепцияда тақлиф этилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ахборот соҳасини ислох қилиш, сўз

эркинлиги қафолатларини мустақамлаш, фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий янада либераллаштириш жамият ҳаётида янги даврни бошлаб беради. Бунда Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш гоётда муҳим. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида фуқаролар, айниқса, мустақил хаятга қадам қўяётган ёшларга қулай шарт-шароит яратилмоқда, — деди туман партия кенгаши раиси, халқ депутати туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Хайрулла Малилов. — Хусусан, касбухон коллежлари битирувчиларини мутахассислиги

бўйича ишга жойлаштириш, ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган ёшларга кўмак бериш борасида маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига аниқ вазибалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳимиз мазкур масала бўйича ҳар бир ишни мониторинг қилиб бораёпти. Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, маҳаллий кенгаш депутатлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамкорлигини мустақамлаш, электротар манфаатига оид масалалар бўйича аниқ тақлифлар билан чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эътироф

Ўзбекистон — иқтисоди жадал ривожланиб бораётган, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустақамлаш учун улкан салоҳиятга эга бўлган давлатдир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти хорижий сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратган ҳолда жадал суръатларда ривожланмоқда. Бундан ташқари, глобал инқироз даврида пухта ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотлар, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамда банк соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, Ўрта Осиёда иқтисодий мўъжизанинг яратилишига туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатда барқарор ўсишга эришиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Инфине Фабио БЕККИАРИНО,
Сан Пиетро шахри ҳоқими (Италия)

Янгиликлар

Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форуми

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 февраль куни Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқалар, нефть-газ, авиасозлик, автомобилсозлик, савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, фан-таълим, сайёҳлик, геология ва минерал ресурслар, кимё, озиқ-овқат, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ахборот технологиялари соҳалари учун масъул вазирлар ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сони ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Иқлим ўзгариши ва инсон

Ўзбекистон Миллий университетда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари ва таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, мутахассислар, тегишли олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Семинарда иқлим ўзгариши ва муқобил энергия манбалари, иқлим иситишда «озон туйнуги»нинг роли, бу йўналишдаги халқаро конвенция ва протоколлар ижроси, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш самаралари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон — АҚШ:

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг қўламли, изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрни йилдан-йилга мустақамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда.

⇒ 2

Қарор ва ижро



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) болани сўради.

Ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлодни ҳасталиклардан асраш, репродуктив саломатлиқни мустақамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган.

Мазкур қарорда белгиланган вазибалар ижросини таъминлашда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш — жамғарманинг

доимий эътиборида. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Fridensdorf International» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган хайри ишлар бунга мисолдир. Хусусан, ўтган йили лаб танглайда ва оёғида туғма нуқсонли бор уч юзга яқин бола юртимиз шифохоналарида, ўнга яқин ўғил-қиз Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди.

Айни пайтда жамғарма томонидан юрагида туғма нуқсонли бор болаларни соғломлаштириш йўлида Жанубий Кореядаги тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилаётган. Утган

йили Сеул миллий университетининг малакали мутахассислари юртимизга келиб, Тошкент вилоятининг Юқоричирик туманида истиқомат қилаётган аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди. Ҳасталик аниқланган беморлар малакали шифокорлар маслаҳати ва дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Жорий йилда мазкур ҳамкорлик доирасида жамғарманинг пойтахтимиздаги Тиббий-ижтимоий маркази қайта қурилиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозир марказда Жанубий Кореядан келган шифокорлар туғма юрак нуқсонли бор болаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Ҳозирга қадар 60 нафар бола тиббий текширувдан ўтказилди.

Еш авлод саломатлигини мустақамлаш борасида олиб борилаётган бундай хайри ишлар баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

(ЎЗА)

Депутат билан суҳбат

Берилган ваъдани бажариш
ташабулкорлик ва қатъийликни талаб этади ⇒ 2

Жинойат жазосиз қолмайди

«Бизнес» ниқобидаги ўйинлар ⇒ 3

Болалар спорти

Яратилган имкониятлар катта
аммо ҳамма жойда ундан самарали фойдаланилмаяпти ⇒ 4

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1684,99	1 Миср фунти	283,23	1 СДР	2593,56	10 Жанубий Корея вони	14,88
1 Англия фунт стерлинги	2701,35	1 Канада доллари	1687,64	1 Туркия лираси	1054,23	10 Япония иенаси	200,33
1 БАА дирҳами	453,21	1 Хитой юани	253,51	1 Швейцария франки	1760,65	1 Россия рубли	56,89
1 АҚШ доллари	1664,52	1 Малайзия рингити	548,35	1 Евро	2256,13	1 Украина гривнаси	209,59

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайган.

Ижтимоий ҳимоя

Янги иш ўринлари

Миришкор туманида бу йил турли соҳалар бўйича 3821 та янги иш ўрни очилиши кўзда тутилган.



Шундан 1080 таси кичик корхона ва микрофирмаларда, 1933 таси уй меҳнати шакллари ривожлантириш ҳисобига ташкил этилади...

Тумандаги «Калта» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тошбиби Пиримова хайри ишга қўл урди. У маҳалласидаги 20 нафар қизни йиғиб, тикиш-бичиш, зардўзлик, каштачилик ва

кубдэдўзлик бўйича тикувчилик курси ташкил этди.

Бир неча йилдан буён касаначилик билан шуғулланиш келаман, — дейди Тошбиби опа. — Ўз биланларимни маҳалла қизларига ҳам ўргатсам, деб анчадан бери ўйлаб юрардим. 2011 йилнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши холис нијатимни амалга оширишга туртки бўлди.

Абдурашул ПАРДА

Обод қишлоқларимиз

Замонавий уй-жойлар

Самарқанд туманининг Янгиариқ қишлоғида бунёд этилган 73 нафар оилага мўлжалланган 60 та янги уй-жой ўз эгаларига топширилди.

«Қишлоққурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида туман ҳокимлиги ва туман архитектура ва қурилиш бўлими ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳаларга кўра 27 та янги уй-жойни тез фурсатда қуриб фойдаланишга топширидик...

Дарҳақиқат, қишнинг аёзли кунларига қарамасдан ташкилот қурувчилари янги уй-жой қурилишини жадал суратларда олиб бормоқда.

Тумандаги «Ангор Олмос» маҳалласида катта оилалардан бири эдик, — дейди янги уйлардан бирининг соҳибаси Мадина Раб-

бимова. — Кредитга янги уй-жойлар қурилатганини эшитиб хурсанд бўлдим. Туман ҳокимлигида мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиридик. Қўриб турганимиздек, 4 хоналик, барча қулайликларга эга замонавий уй-жойга эга бўлдим.

Аҳолига бундай қулайлик яратилишида «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг 15 йилга мўлжалланган 7 фоизлик кредитлари қўл келмоқда.

Вилоятнинг Иштихон туманида 42 та, Окдарё туманида 35 та, Каттақўрғон, Булунғур ва Қўшрабат туманларида 87 та худди шундай замонавий уй-жойлар барпо этилади.

Шу савол билан Республика халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг ижрочи директори Уктам Маматқуллова мурожаат қилдик.



Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги «Qashqai Ultimate» МЧЖга тегишли бунчақ штамини йўқолганлиги сабабли

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Бешқайрағоч» маҳалласи, Қурувчи кўчаси, 109-уйга тегишли Маҳмад-жон Шаҳидов номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт

Фарғона: гимнастика ривожланмоқда

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, спорт мактабларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни моҳир мураббийлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида ёшлар бадий ва спорт гимнастикаси билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Мақтабда 420 дан ортиқ ўғил-қиз 15 нафар тажрибали мураббийдан маҳорат сирларини ўрганиб, мусобақаларда ўз иқтидорини намойиш этмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Болалар спорти

Яратилган имкониятлар катта аммо ҳамма жойда ундан самарали фойдаланилмапти

Болангиздан сўраб кўринг, у спорт билан шуғулланаяптими? Ишончим комилки, ижобий жавоб оласиз. Чунки, юртимизда спортга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

на жисмоний тарбия ўқитувчиси Шухрат Эгамбердиевлар асосли жавоб қайтара олишмади.

Директорнинг айтишича, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлар, айниқса, хотин-қиз мураббийлар етиштирилган экан.

Уқувчилар билан суҳбатлашамиз. Болалар кўпроқ спортнинг бокс, кураш, қўл жанги, футбол турлари билан шуғулланиш ниятида эканликларини, қизлар

уларнинг 360 нафардан кўпроғи ёки қарийб 50 фоизи спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланади. Шундан 280 нафари ёки 35 фоиздан зиёдроғи спортнинг ўзлари ёқтирган турлари билан доимий равишда шуғулланиб келишяпти.

Уқувчилар билан суҳбатлашамиз. Болалар кўпроқ спортнинг бокс, кураш, қўл жанги, футбол турлари билан шуғулланиш ниятида эканликларини, қизлар



Шу савол билан Республика халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг ижрочи директори Уктам Маматқуллова мурожаат қилдик.

2004-2010 йиллар давомида вилоятимиз ҳудудида жами 73 та болалар спорти иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди у. — Шундан 8 та спорт мажмуалари, 51 та мактаб спорт заллари янгидан қурилди, 14 та мавжуд спорт мажмуалари реконструкция қилинди.

Тўғри, бу борада вилоятда кўп ишлар амалга оширилди. Аммо мавжуд болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлиги, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш қамрови қай аҳволда?

Дўстлик туманидаги 16-умумтаълим мактаби спорт зали 2005 йилда қурилган ва 7 миллион 665 минг сўмлик спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозланган.

Афсуски, спорт зали бугун ачинарли аҳволда. Ечиниш хоналари совуқ, ювенил кабинетларида иссиқ сув у ёқда турсин, совуқ сув ҳам йўқ. Унча-мунча инвентарлар чанг босиб, сочилиб ётибди.

Катта маблаг эвазига қурилган мазкур спорт объектини талаб даражасида сақлаш ва ажратилган спорт ускуналаридан самарали фойдаланиш устидан назоратнинг сусайтириб юборилгани сабаблари билан қизиқдик.

Башка бир спорт иншооти Жиззах шаҳридаги «Умид» ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби спорт залининг инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси, энг муҳими ундан ўқувчиларнинг фойдаланиш самарадорлиги билан яқиндан танишганимизда эса умуман, башка манзарага дуч келдик.

2007 йилда қурилган ушбу спорт объектда ўқувчилар спортнинг саккиз тури бўйича ташкил этилган тўғаракларда мунтазам иштирок этишмоқда.

765 нафар ўқувчимиз бор, — дейди у. — Айни пайтда асосан гимнастика, баскетбол, стол теннисига қизиқишларини айтидилар. Афсуски, ушбу йўналишлар бўйича мураббийлар ва ўқитувчи мутахассисларнинг йўқлиги сабабли мактабда бундай тўғараклар ишини йўлга қўйишнинг ҳозирча имкони бўлмаганди.

Шуниси эътиборга сазоворки, мактаб спорт залидан дардан ташқари пайтларда маҳалланинг ёшлари ҳам фойдаланишяпти. Ўтказилаётган спорт мусобақалари, тўғаракларнинг машғулотида қозлаб йигит-қизлар фаол иштирок этишяпти.

Афсуски, Зафаробод туманидаги 11-Зарбдор туманидаги 8-умумтаълим мактабларининг спорт залларидан фойдаланишнинг бугунги аҳвали билан мутлақо мурося қилиб бўлмайдими.

Нима сабабдан мавжуд шарт-шароитлардан ҳар ким хил фойдаланмоқда? Вилоят спортчи-ёшларининг республика ва халқаро мусобақаларда эришган ютуқларининг биз истагандай бўлмаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам балки, шундадир?

Хукуматимиз қарорига кўра, мамлакатимиздаги мавжуд болалар спорти иншоотлари жойлардаги туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тасаруфига ўтказилган, — дейди Уктам Маматқуллов. — Шундай бўлган, уларнинг сақланиши, жиҳозланиши фойдаланиш даражаси, болаларнинг спорт билан шуғулланиш қамрови ҳамда самарадорлиги билан боғлиқ барча масалаларга асосан халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар жавоб беришади.

Аммо Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали, вилоят спорт федерациялари, туман ҳокимликлари бу масалада томошабин бўлиб туриши мумкин эмас. Чунки болалар спортини ривожлантиришдек ўта муҳим масалага аслида ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Насаф» Ҳиндистонга боради

1 март куни ОФК кубогининг гуруҳ босқичи баҳсларига старт берилди. Хабарингиз бор, шу кун «А» гуруҳида иштирок этаётган «Насаф» футболчилари Қаршида Ливаннинг «Ал-Ансор» жамоасини қабул қилишади.

ОФК кубоги Низомига мувофиқ, икки босқичдан иборат бўлган «плей-офф» ўйинлари Осиё чемпионолари лигаси ва ушбу мусобақада қатнашадиган сўнгги жамоалар номини аниқлаб берди.

19 февраль кунини ўтган «Ал-Саад» (Қатар) — «Демпо» (Ҳиндистон) жамоалари баҳсида рақибдан 2:0 ҳисобида устун келган мезбонлар ўз омадларини Осиё чемпионолари лигаси учрашувларида синаб қўришади.

«Демпо» вакиллари қуръага кўра, ОФК кубогининг «А» гуруҳида кейинги босқичга бериладиган икки йўланмадан бирини қўлга киритиш учун кураш олиб боришади. Бу гуруҳдан «Насаф» футболчиларидан ташқари, «Ал-Ансор» (Ливан), «Ал-Тилло» (Яман) жамоалари ҳам жой олган.

Шу ўринда айтиш керакки, «плей-офф» босқичи голиби «Ал-Саад» (Қатар) футболчилари Осиё чемпионолари лигаси «В» гуруҳида түп суриш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бу гуруҳдан қатарликлар билан биргаликда Тошкентнинг «Пахтакор», Саудия Арабистонининг «Ал-Наср» ҳамда Эроннинг «Истиклол» жамоалари жой олган.

Эслатиб ўтамиз, «Демпо» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги дастлабки ўйин 14 апрель кунини Ҳиндистонда бўлиб ўтиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОБО

ОБ-ҲАВО 22-23.02. 2011

Table with weather forecasts for various cities including Toshkent, Samarkand, Bukhara, and London.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affer HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Jamoatchilik bilan aloqalar, Reklama va e'lonlar, Kotibiyat. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari, O'za yakuni - 20.50, Topshirilgan vaqti - 22.55. Soluvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5